



20 20 у. « 2 » сентябрь

№ Қ-432

«    »    20    г.

**Термиз тумани “Каттақум” массиви  
“Учқизил” маҳалласи ҳудудидан “Beautiful  
Green Desert” МЧЖга “Иссиқхона” қуриш  
учун вақтинча ер майдони ажратиш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/440-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 26 июндаги 01-08/267-сон хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/440-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Каттақум” массиви “Учқизил” маҳалласи ҳудудидан “Beautiful Green Desert” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 10қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 38,5 балл бонитетли жами 1,0 гектар суғориладиган экин ер майдони қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Beautiful Green Desert” МЧЖ раҳбари Г.Алимовага:  
ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши:  
мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов